

## Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-сентябрда чакана товар айланмаси 6 728,5 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,7 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>6728,5</b>	<b>105,7</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	-	-	-
нодавлат мулки	6728,5	105,7	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	3290,2	120,8	49,1

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-сентябрда 595,8 млрд.сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 130,5 фоизни ташкил этган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдодаги ҳажми жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 5 481,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,5 фоизга ошган.

2017 йил январь-сентябрда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>6728,5</b>	<b>105,7</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:			
савдо корхоналари	595,8	130,5	7,8
Кичик корхона ва якка тартибдаги тадбиркорлик	5481,1	104,5	82,5
уюлмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)	651,6	97,9	9,7

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 135,9 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 102,6 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 1876,8 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-сентябрь ойларида 1579,3 минг сўмни ташкил этган).

2017 йил январь-сентябрь ойларида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 4663,8 млрд. сўмни ташкил қилди. Шу жумладан қишлоқ 1307,5 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 28,0 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-сентябрь ойига нисбатан ўсиш 104,0 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрь ойига нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами хизматлар</b>	<b>4663,8</b>	<b>104,0</b>	<b>100</b>
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	401,9	112,7	8,6
Молиявий хизматлар	455,0	122,5	9,8
Транспорт хизмати	763,3	100,3	16,4
шу жумладан автотранспорт хизматлари	706,1	98,3	15,1
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	153,4	105,3	3,3
Савдо хизматлари	1646,4	99,5	35,3
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	174,8	101,6	3,7

	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрь ойига нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Таълим соҳасидаги хизматлар	211,4	109,6	4,5
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	108,1	112,8	2,3
Ижара ва прокат хизматлари	157,7	100,5	3,4
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	179,3	101,1	3,8
Бошқа шахсий хизматлар	259,5	101,0	5,6
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	28,1	104,0	0,6
Бошқа турдаги хизматлар	124,9	104,1	2,7

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 35,3 фоизи), транспорт (16,4 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлари (122,5) Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (112,7), Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (112,8) ўсиш суръатлари юқори бўлди.

2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:

